



**ФАН, ТАРАҚҚИЁТ
ВА
ЁШЛАР**

НАМИВ АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Қарши- 2014

МУҶДАРИЖА

Т/р	Муаллифларнинг фамилияси, исми, таърифи	Мақола номи	Бети
1	<i>Турдиева М., Э. Жабборов</i>	Ўзбек тилшунослигида синтактик синонимияга бағишланган тадқиқотлар хусусида.....	3
2	<i>Pirnazarova S., B. Bahriddinova</i>	Ona tili ta'limida interfaol usullardan foydalanish.....	5
3	<i>Bahriddinova D., B. Bahriddinova</i>	Uzluksiz ta'limda qo'shma gaplar tasnifi masalasi.....	7
4	<i>Atanova G., B. Bahriddinova</i>	Uzluksiz ta'limda so'z birikmasini o'qitish muammolari.....	9
5	<i>Авазназаров О., Н. Шодмонов</i>	“Сади Искандарий” да туш мотивининг ўрни.....	11
6	<i>Намозова З., Н. Шодмонов</i>	Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари генезиси.....	16
7	<i>Nurmurotov I., O. Shukurov</i>	Zamonaviy pedagogik texnologiyaga oid ayrim atamalar va ularning mohiyati xususida.....	18
8	<i>Набиева М., Н. Юлдошева</i>	Муҳаммад Юсуф шеърларида ундалмалар.....	21
9	<i>Бегназарова Д., Мукулмонова Н.</i>	Бадий матнда антонимларнинг ўрни (Тоғай Мурод ижоди мисолида).....	23
10	<i>Имомова Г.</i>	Муҳаммад Юсуф шеърларида Қодирий шахсиятининг бадий талқини.....	25
11	<i>Турдиева И., Т. Жумаев</i>	Ойбекнинг «Навоий» романидаги эскирган сўзларнинг тарихий-этимологик қатламларга муносабати...	27
12	<i>Sulaymonov B., O. Shukurov</i>	Imlo masalalari xususida.....	29
13	<i>Ортиқова Э., Э. Жабборов</i>	Тоғай Муроднинг синонимлардан фойдаланиш маҳорати.....	32
14	<i>Karimova N., O. Shukurov</i>	Iboralar nutq go'zalligini oshiruvchi birlik.....	35
15	<i>Каримова Х., Н. Шодмонов</i>	Лайли ва Мажнун образларининг икки хил характери.....	37

huyaning ko'ziday non anqoga shapig' ..." gapi keltirilgan. Matnda qo'llangan *anqoga shafe (shapig')* yoki *anqoning tuxumi, anqoning urug'i* iboralari *kamyob, sira topilmaydigan yoki g'oyat kam uchraydigan narsa haqida* ma'nolarida keladi. O'rni bilan ijobiy ma'noda qo'llanadigan *qo'ling dard ko'rmasin* iborasi matnda, asosan; *yoq' bo'l. salomat bo'l* ma'nosiga to'g'ri keladi.

Iboralar, asosan, so'zlashuv uslubida faolroq bo'lib, xalq nutqida tez-tez qo'llanadigan *ko'kragini yerga bermoq g'am chekmoq ma'nosida, loy bo'lmoq* esa xijolatdan qizarib yerga qaramoq ma'nosida keladi.

Nutq go'zalligini o'zida namoyon etgan *tulki qiziga to'y berdi* debnisi *aldamoq* yoki shunga yaqin *biror ishni soxta bajarmoq, qalbaki ish qilmoq* ma'nolarida ham keladi.

Salbiy ma'no kasb etuvchi *kavushini sudramoq* iborasi *o'rg'a kun kechirish* ma'nosida kelsa, *baland oxurdan yem yemoq* iborasi biror shaxsning *maishati yuqori darajada bo'lishini* ifodalaydi.

Xulosa shuki, iboralar tayyor til birligi sifatida xalqning ma'naviy boyligi bo'lib, tildan tilga o'zgarishsiz holda yashab kelmoqda. Ularning umri tilni yaratgan xalqning umri singari uzoq bo'lib, so'zga qaraganda bo'yoqdor va obrazli tarzda ma'noni ifodalashga xizmat qiladi.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН ОБРАЗЛАРИНИНГ ИККИ ХИЛ ХАРАКТЕРИ

Филология йўналиши талабаси Каримова Х.

Илмий раҳбар: ф. ф. д. Н. Шодмонов

Бизга маълумки “Лайли ва Мажнун” номдаги дoston кўплаб ишқдорлар томонидан яратилган, бироқ уларнинг сюжети ва композицияси, хусусан, гоъвий мундарижаси жиддий фаркланади. Буни Алишер Навоий ва Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги образлар кнёси мисолида кўрсатиш мумкин.

Дostonлардаги образлар исми ва воқеа ривождаги ўрни михатида деярли бир хил бўлишига қарамай, асар қурилишида турлича аҳамият касб этади. Уларнинг баъзилари хусусида тўхтаниб ўтамиз.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonидаги

Лайли образи садокатли, ифбатли, ота-онасига итбаткор ва меҳрибон киз сифатида гавдаланади. Биз унинг садокатини Мажнундан бошқа ҳеч кимни ўзига раво кўрмай, тўй оқшомида кўлида захарли пишчок билан ўз жонига қасд қилишга тайёр туришида; ифбатли киз эканини Мажнун билан саҳродаги учрашувида; ота-онасига бўйсунувчи шарқона характерини Ибни Салом билан никоҳи воқеаларида кўришимиз мумкин. Умуман олганда, Навоий талқинидаги Лайли ўзига хос шарқона характердаги образ эканлиги билан характерланади.

Фузулий достонидаги Лайли образи эса севгиси учун курашган қатъиятли киз сифатида гавдаланади. Бу Ибни Саломга севган ёри борлигини айтишга журъат эга олиши, қонаверса, тўй ота-онасининг изм-у ихтиёри билан бўлгани-ю, бу никоҳ уларга бахт қелтирмаслигини қатъият ва ишонч билан сўзлашида яққол кўзга ташланади:

*Тарк этки, бу васл бийми жондур,
Ҳам ўзингга, ҳам манга зиёндур.
... Ўлоки, муяссар ўла мақсуд,
Сандан очилга бу боби масдуд.
Қатъ ўла забон таъли душман,
Ҳам сан етасан мурода, ҳам ман.*

Мажнун образи Навоий достонида дастлаб, ақлли, зеҳинли, мактабдаги таълими жараёнида сабоқларни ниҳоятда яхши ўзлаштирган, фаҳм-фаросатли, комиллик сари интилувчи образ сифатида тасвирланади. Масалан, унинг ноёб қобилият эгаси эканлиги мактаб йиллари тасвирида яққол кўзга ташланади:

*... Бир кун эди ҳамсабаққа ҳамтак,
Иккинчи кун утмиш эрди бешак.
Кун бор эдиким, беш-ун сабақни
Англаб, эвурур эди варақни
Оз вақтда айлади замона
Они бори илм аро ягона...*

Фузулий достонида эса Мажнуннинг болаликдаги характерлари ўзига хос тасвирланади:

*... Чун лавҳалар узра хат ёзарди,
Қасддан хатини галат ёзарди.
Яъники, хато таваҳҳум эда,
Ул гул очилиб табассум эда...*

Бундан Лайлига, агайин, унинг кулгисини кўзга ташлаш учун

хатини хато ёзганлиги ойдинлашади. Қолаверса, Фузулий Навоий дostonидан фаркли ўларок ўз қахрамонининг илм олиш масаласига деярли урғу бермайди, Мажнуннинг устози ҳақида ҳам умуман маълумот келтирилмаган.

Дostonларда *Zayd* образи ҳам алоҳида хусусият касб этганини кўриш мумкин. Навоий ўз асарида Зайдни қароқчилардан жабр кўрган жабрдийда ҳолида Мажнун билан тасодифан учраштиради. Фузулий дostonида эса бу образ анча мукаммаллашган, яъни илмли, хусн-у вафода тенгсиз, ишққа мубтало сифатлари билан берилади.

Образларнинг ўзига хос характерини Ибни Салом образида ҳам кўриш мумкин. Навоий дostonида бу образ касалик натижасида беҳуш йиқилгач, тўй тўхтатилиб, уни ўз юртига олиб кетадилар. Фузулий дostonида эса майпарастлик натижасида вафот этади.

Умуман олганда, Навоий ва Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари, образлари бир-биридан жиддий фаркланади.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҒОЯСИ ТАЛҚИНИ

*Филология йўналиши талабаси Дониёв А.
Илмий раҳбар: ф.ф.н. Э.Жабборов*

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Муҳаммад Юсуф ҳали истиқлол қўлга киритилмаган, мустабит шўролар сиёсати авж олганда бўлган даврлардаёқ яратган бир қатор асарларида халқимизни ўзлигини танитиш, уларни асрий вафлат уйқусидан уйғотиш, озодликка чорлаш, ўзликни англаш ғояларини баралла қуйлади. Истиқлолдан кейинги ижоди эса миллий истиқлол мафқурасини ёшларга сингдиришга қаратилди дея баралла айтиш мумкин. Шў боис шоир халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин ола билди.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида такидланганидек, “Мафкура – ўзликни англаувчи куч. Миллий истиқлол мафқурасининг асосий таянч нуқтаси ҳам ана шунда. Яъни миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида